

DOI: <https://doi.org/0.5281/zenodo.13827163>

## ҲАБИБ САЪДУЛЛА ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК СИНТАКСИС

**Эрманбетова Шохсанам Бозорбоевна**

University of Business and Science

Тил ва адабиёт таълими кафедраси ўқитувчиси,

Gmail: [shohsanamermanbetova49@gmail.com](mailto:shohsanamermanbetova49@gmail.com)

*Аннотация:* Ушбу мақолада шоир Ҳабиб Саъдулла шеърияти синтактик таҳлил қилиниб, шеър мисралари, байтлари ва бандларидаги жумла қурилиши ва уларда гап бўлақларининг тартиби ҳақида фикр юритилган.

*Калит сўзлар:* интонация, интонацион бўлақ, пауза, ургу, нутқ, поэтик фигуралар, бадиий такрор, такрор сўзлар.

## ПОЭТИЧЕСКИЙ СИНТАКСИС В ПОЭЗИИ ХАБИБА САДУЛЛЫ

**Эрманбетова Шохсанам Бозорбоевна**

University of Business and Science

Преподаватель кафедры языкового

и литературного образования

Gmail: [shohsanamermanbetova49@gmail.com](mailto:shohsanamermanbetova49@gmail.com)

*Аннотация:* В данной статье синтаксически анализируется поэзия поэта Хабиба Саадуллы, обсуждаются построение предложений в стихах, строфы и предложения стихотворения и порядок фрагментов предложения.

*Ключевые слова:* интонация, интонационный фрагмент, пауза, ударение, речь, поэтические фигуры, художественный повтор, повторяющиеся слова.

## POETIC SYNTAX IN THE POETRY OF HABIB SADULLA

**Ermanbetova Shohsanam Bozorboevna**

University of Business and Science

Teacher of the Department of Language

and Literature Education

Gmail: [shohsanamermanbetova49@gmail.com](mailto:shohsanamermanbetova49@gmail.com)

**Abstract:** *In this article, the poetry of the poet Habib Sa'dulla is analyzed syntactically, the construction of sentences in the verses, stanzas and clauses of the poem and the order of sentence fragments are discussed.*

**Key words:** *intonation, intonation fragment, pause, emphasis, speech, poetic figures, artistic repetition, repeated words.*

Маълумки, шеърий синтаксисда шеър мисралари, байтлари ва бандларидаги жумла қурилиши ва уларда гап бўлақларининг тартиби ҳақида фикр юритиш билан шуғулланади. Шеърий нутқда шеърий жумла қуриш, сўз танлаш ва уларни гап қурилишида моҳирона ишлатиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.<sup>1</sup> Ижодкор шеърларининг поэтик синтаксиси бир-биридан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Шеъриятда бадий образ ва унинг ифодаси муаммоси жаҳон адабиётшунослигида атрофлича ўрганилган. Бадий образ ва унинг ифодаланиши масалалари шеъриятда, асосан, рамзий-мажозий тимсоллар воситасида амалга оширилган. Бу жиҳатдан Арасту, И.В.Гёте, Д.Дидро, Г.В.Гегель, Х.О.Гассет, В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, В.Жирмунский, Л.Тимофеев, М.Б.Храпченко, Ю.Лотман, Г.Н.Поспелов, В.Е.Хализев каби олимларнинг фундаментал тадқиқотлари аҳамиятли ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослигида бадий образ ва унинг ифодаланишини ўрганишга

---

1 Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т.: - Ўзбекистон, 2002. Б.423.

бағишланган Фитрат, И.Султон, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, У.Норматов, А.Расулов, И.Ғафуров, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Болтабоев, Й.Солижонов, А.Шаропов, У.Ҳамдамов, А.Сабирдинов, М.Йўлдошева, Н.Мирзаева, Ф.Раджабова ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хусусан, Ҳабиб Саъдулла ижоди Э.Муҳамедов, О.Носиров, Э.Худойбердиевлар Э.Нурматов, А.Тошхўжаев, У.Носиров, Ҳ.Солихўжаеваларнинг монография, рисола ва мақолаларида тадқиқ этилган.

Ҳар бир асарнинг интонацияси бор. Нутқнинг синтаксиси, сўздаги гапнинг ўрни, улардан айримларини пауза билан, секин ёки тез талаффуз қилиниши турли хилдаги интонацияни пайдо қилади. “Шеърый сўз матндаги ўрнига қараб хитоб, киноя, шама, гина, ўпкалаш, таажжуб, шодланиш, мурожаат, ғурур, ундов, ғазаб сингари маъноларни англатади.”<sup>1</sup> Интонация лирик қаҳрамон характерини очиб берувчи энг муҳим восита ҳисобланади. Шеър интонацияси интонацион даврларга ва уларнинг таркибига кирувчи интонацион бўлақларга бўлинади. Интонацион даврлар икки нукта ўртасидаги мустақил ва тугал жумлани ташкид этса, интонацион бўлақлар эса интонацион давр ичидаги интонация жиҳатидан мустақил бўлмаган ва икки пауза ўртасида келган нутқ бирлиги билан изоҳланиб келади. Шоир Ҳабиб Саъдулланинг ушбу шеърида уч интонацион давр ва 7 интонацион бўлақ мавжуд:

Эҳ-ҳе, булбул бўлиб кетдинг-ку, ошнам,

Дилгинангда шунча кўпмиди зоринг?

Мунча нола қилдинг,

Ёндинг мунча ҳам,

Ўтмай қолмаган-ку сира бозоринг.<sup>2</sup>

Шоирнинг “Пушкин” номли шеърида эса икки интонацион давр ва тўрт интонацион бўлақ мавжуд:

Ўйнашмагил шоир ғурури билан,

1 Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т.: - Ўзбекистон, 2002. Б.423.

2 Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том -Т: “Шарқ”,- 2002 й, 275.

Ахир эл яшайди унинг қонида.

Халқ қадрин ўзининг қадри деб билар,

Халқ дарди ҳаттоки устихонида.<sup>1</sup>

Шоир шеърларида интонацион ранг- барангликни кузатиш мумкин. Интонацион ранг- баранглик асар тилига таъсирчанлик бахш этади. Ҳабиб Саъдулланинг қуйидаги шеърларида турли маъно ифодаловчи сўз маъноларини кўришимиз мумкин:

Ҳақиқат, ол ўзинг дунёни,

Даф қилгил жаҳолат, риёни,

Чекинсин сен сочган зиёдан

Зулматлар, кулфатлар, тухматлар.<sup>2</sup>

Интонацияни пауза, урғу ва нутқ вужудга келтиради. Пауза шеърини нутқда катта ўрин тутади. У мисралар орасидаги туроқларнинг охирига тушади, айрим сўз ёки сўз бирикмаларини бўрттиради, уларнинг маъно ва аҳамиятини таъкидлайди, шеърини нутққа ҳис-ҳаяжон бағишлайди. Айниқса, шеърдаги байт ёки бандлар шеърининг тугалланган бир бўлаги сифатида доимо пауза билан бир-биридан ажралади. Шеър ритминини тартибли жойлашган нутқ, бўлақларининг қонуний такрорланишсиз яратиш бўлмайди, поэтик нутқдаги бу бўлақларни эса паузасиз тасаввур қилш қийин.

Масалан, Ҳабиб Саъдулланинг ушбу шеърдан бир бандни олиб кўрайлик:

Икки йилки сениз яшар Намангон, - 6+5

Бир сим узилгандай гўё торидан. - 6+5

Боғидан камайди битта ғазалхон, - 6+5

Бир япроқ узилган алп чиноридан.<sup>3</sup> - 6+5

Ушбу тўртлик 6+5 вазнида. Бунда факт иккинчи туроқ охиридагини эмас, балки биринчи туроқдан кейин ҳам пауза пайдо булади. Бунда ритмик пауза

1 Саъдуллаев Х. Танланган асарлар. I том -Т: "Шарқ",- 2002 й, 276.

2 Саъдуллаев Х. Танланган асарлар. I том -Т: "Шарқ",- 2002 й, 276.

3 Саъдуллаев Х. Танланган асарлар. I том -Т: "Шарқ",- 2002 й, Б.362.

ҳосил бўляпти. Ритмик пауза шеър ритмининг бир босқичини билдириб келади, аммо у мисралар охиридаги паузалардан анча қисқадир. Мисра охиридаги пауза чўзиқроқдир. Шу сабабли кичик турокдан сўнг келувчи паузани кичик ритмик пауза, мисра охирида келувчи паузани катта ритмик пауза деб аталади. Пауза шеър охирини ташкил этишда муҳим роль уйнайди.

Шеъринг нутк, синтаксисининг энг муҳим соҳаларидан бири поэтик фигуралар ҳисобланади. Поэтик фигуралар, худди кўчимлардек, бадиий нутқни белгиловчи воситалар эмас, у аслида, инсон руҳиятининг ўзига хослиги ва жонли тил табиатидан табиий равишда келиб чиқадиган ходисалардир. Одам ҳаяжонланган, қувончларга тўлган, хафа бўлган ёки нафратланган пайтларида унинг нутқи одатдагидан ўзгаради: нутқ осойишта эпик руҳини йукотади, гап қурилиши бошқача гўе олади, жумлалар қисқа қисқа бўлади, баъзи сўзлар тушиб қолади, баъзи сўзлар эса такрорланади. Ҳатто, баъзан алоҳида сўзларгина эмас, бутун-бутун жумлалар ҳам такрорланиб келади. Жонли тилдаги бундай ўзига хос хусусиятлар бадиий нутқда ўз ифодасини топади. Фигуралар алоҳида сўзларнинг маъносини, аҳамиятини ўғартирмайди, аксинча у инсон ҳиссиётига асосланиб бадиий нутқ қурилишига таъсир ўтказади.

Поэтик фигуралар бир неча турларга бўлинади. Уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Кучайтирувчи фигуралар
2. Пасайтирув фигуралар
3. Охангдош фигуралар
4. Зидлов фигуралар

Бу фигуралар лирик қаҳрамон ҳиссиётини бўрттириш, кучайтиришга хизмат қилади. Кучайтирувчи фигуралар гуруҳига градация, риторик сўроқ, муурожаат ва бадиий такрорлар киради. Градация лотинча “зинапоя” маъносини англатувчи сўздир. Градацияда сўз маъносини мисрадан мисрага ўтишда кучайиб, кўтарилиб боришини кузатиш мумкин. Градациянинг климакс ва

антиклимакс кўринишлари мавжуд. Климакс турида шеър маъносининг юқорига қараб ўсиб, кўтарилиб бориши кузатилади. Шоирнинг ушбу шеърда градациянинг иккала турини ҳам кўриш мумкин:

Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ

Юлиб ташламоқчи бўламан.

Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ

Суғуриб ташламоқчи буламан,

Бирок,

Юлиб ташлолмайман, малагим! <sup>1</sup>

Лирик қаҳрамон қалбидаги ҳис-туйғуларини ошқора, тантанавор исёнкорона руҳда айтади. Қалбида яшириниб ётган дард, яъни севгилисини юрагининг қаъридан бутунлай суғуриб олиб ташламоқчи бўлади. Лекин, бу иш унинг қўлидан келмайди. Бу ўринда шеърда қаҳрамон ҳис-туйғуларини исёнкорона, мардона ифодаси кузатилади.

Хулоса. Ҳабиб Саъдулла шеърларида бадий тасвир воситалари, поэтик синтаксис ифодасининг ўзига хос қирралари намоён бўлади. Бадий такрор, апострофа, ўхшатиш, риторик сўроқ каби воситалар муайян бадий мақсадни амалга ошириш учун қўлланади. Тасвирни бўрттириш, асосий фикрга диққатни қаратиш, фикрлар тадрижини кучайтириш ана шундай мақсад ва вазифалардан саналади.

---

<sup>1</sup> Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том -Т: “Шарқ”,- 2002 й.,Б.133.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Адабий тур ва жанрлар. II томлик. 1-том. ЎзР ФА. -Т: “Фан” нашриёти. 1991 й.
2. Адабий тур ва жанрлар. II томлик. 2-том. ЎзР ФА. -Т: “Фан” нашриёти. 1992 й.
3. Асаллиев А., Раҳмонов Ф. Бадиий санъат жозибаси. -Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1974 й
4. Саримсоқов Б. Н. Адабиётшунослик асослари ва мезонлари. -Т: А. Аҳмедова босмахонаси. 2004 й.
5. Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. I том. -Т: “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002 й.
6. Саъдуллаев Ҳ. Танланган асарлар. II том. -Т: “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002